

Отадан ўтиб кетмаслик, унга имом бўлмаслик...



16:02 / 05.10.2024 2904

لُجْرَلَا مُؤَيَّي آلَ لَاقِيءَاطِعٌ نَع
هُنَمَ هَقْفَا نَاكُ نَاوُهُابَا

Атодан ривоят қилинади:

«**Киши отасига имом бўлмайди. Агар отасидан фақихроқ бўлса ҳам**».

Шарҳ: Ота-бола бор. Ўғил олим, отанинг илми унчалик эмас. Шундай бўлганда ҳам, ўғил отага имомлик қилмайди.

Бу отанинг ҳурмати учун айтилган гап. Демак, ўғил отанинг олдига тушмасин, имом бўлмасин. Агар отасининг илми ўғлиникичалик бўлмаса ҳам, ота имом бўлгани афзал экан.

دَّمَ حُمْرَ نَبِيٍّ نَمَّ حُرْلًا ذُبَعٌ نَعِ
يُنْأَرُ: لَأَقِي رِاقًا ذُبَعٌ نَبِ
أَنْ أَوْزِي زَعْلًا ذُبَعٌ نَبِ رَمُعِ
:لَأَقِفُ، يَبْأَبُنَجِ يَلِي شِمًا
، كَيَبْأَبُنَجِ يَلِي شِمَتِ أَلِ
يَشِمَتِ نَأَكَلِ يَغْبُنِي أُمَّنًا
يَلَعُ الْكَوْتِ أَيْ نِإْفِ: لَأَقِ. هَءَارُو
:هَاهَفِ: لَأَقِ. هِدِي

Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Абдулқорийдан ривоят қилинади:

**«Умар ибн Абдулазиз отанинг ёнида кетаётганимни кўриб,
«Отангнинг ёнида юрма! Сен отангнинг орқасидан юришинг керак!»
деди. Шунда отам: «Мен унинг қўлига таяниб кетяпман», деди.
«Ундай бўлса, майли», деди».**

Шарҳ: Демак, ота-бола йўлда юриб кетаётган бўлса, бола отанинг орқасида юрсин. Отанинг эҳтироми, ҳурмати, улуғланиши мана шу даражададир. Агар ота ўзи рухсат берган бўлса ёки ривоятдаги кишига ўхшаб ўғлига суянадиган бўлса ёки юкини кўтаришиб келса, майли.

Бу ривоятда Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳининг бегона бир болага отасини ҳурмат қилиш бўйича дарс беришлари диққатга сазовор. Муслмонлар ҳамаша мана шундай йўл тутиб, жамиятда исломий одоб-ахлоқ қарор топишига ҳисса қўшадилар.

Муслмон халқларда барча замонлар ва маконларда катталар кичикларга тарбиячи, маслаҳатчи, устоз, танқидчи бўлиб келганлар. Бу ишни катталар ўз бурчлари деб, кичиклар ўзлари учун фойдали сабоқ деб қабул қилганлар.

Шу йўл билан халқ ўзини ўзи тарбиялаб борган. Катталар ўз зиммаларидаги амри маъруф ва наҳйи мункар вазифасини адо этганлар. Кичиклар улардан дарс олганлар, тажриба ўрганганлар.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.